



ТОШКЕНТ ОҚШОМЛИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 151 (9.954)

2003 ЙИЛ 4 АВГУСТ

ПОЙТАХТНИНГ бир кўни Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА сатрларда

□ БУГУН «Оила — жамият таянчи», «Оила — тинчлиги — юрт тинчлиги» мавзуларидаги йиғилиш «Komputer Spektr» корхонасида ўтказилди. Ушбу тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

□ ТОШКЕНТ автомобиль йўллари институти қошида ёнилғи-мойлаш махсулотлари ва автомобильларнинг эҳтиёт қисмларини сертифицирлаш техник маркази фаолият бошлади.

□ ЮНУСОБОД туман ҳокимлигида туман фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида уюштирилган анжуманда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида хорихдан ноқонуний тарзда кириб келаятган товарлар сотилишининг олдини олиш чора-тадбирлари муҳофиза қилинди.

□ «ЎЗБЕКТЕЛЕФИЛМ» студияси ижодкорлари санъат шинавандалари эътиборига режиссёр Мелис Абзалов томонидан суратга олинган «Зумрад ва Қимматнинг янги саргузаштлари» фильмининг хавола этишди.

□ МЕХРГА муҳтож инсонлар бўлмиш ногиронларга иш ўринлари яратиб бериш билан шуғулланадиган Сергели туман ўқув ишлаб чиқариш корхонасида янги технологиялар келтирилди.

□ ТОШКЕНТ шаҳар болалар офталмология марказида шифокорлар иштирокида уюштирилган йиғилиш кўз касалликларини даволашнинг янги-ча усулларини қўллашга бағишланди. Ушбу марказ фаолияти самарадорлигини яхшилаш мақсадида замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди.

□ ЗАМОНАВИЙ санъат марказида саёхатчи, тарихчи Евгений Березиков асарлари кўргазмаси намойиш этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА АМАЛИЙ ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

2003 йил 6 август кuni Россия Федерацияси Президенти В. Путин Ўзбекистонга амалий ташриф буюради.

Ташриф давомида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама этиш режалаштирилмоқда.

Ташриф давомида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама этиш режалаштирилмоқда.

XXI саҳоси Барча мавзубаларда олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Президент Ислам Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантириш масалалари бўйича тузилган парламент комиссияси таркибидаги иқтисодий тараққиёт масалалари кичик комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

● Тошкентдаги Темирийўлчилар маданият саройида ушбу соҳа ходимлари ўз касб байрамларини нишонлашди.

● Наманган шаҳрида 15 гектарлик майдонда ёпиқ спорт зали, теннис корти, кичик футбол майдони, аквапарк, боулинг маркази, амфитеатр, иккита фаввора, сунъий тоғ, шунингдек кўллаб савдо шохобчалари мавжуд «Ёшлар» спорт мажмуаси очилди.

● Жиззахдаги Хотира хиббонида сарфарбарлик чақируви резерви хизматида чақирилган 150 нафар йигитлар қасамёд қабул қилишди. Улар бир ой мобайнида ҳарбий ўқув машғулотларида қатнашиб, ҳарбийлик сир-асрорларини ўрганишади.

● Мирзачўл туманидаги «Гагарин маъданли суви» сихатгоҳи жойлашган ер қаъридан тиббиётда ноёб, ўта шифобахш хисобланадиган родонли суви чиқа бошлади.

● Нарпай туманида ипак ва жундан йиғирилган ип чиқаришга ихтисослашган «KAN-SAMARKAND» Ўзбекистон-Қозоғистон қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади.

Жаҳонда

● Россия Федерацияси ва Украина ўртасидаги келишувга мувофиқ шу ойдан бошлаб Украинага бир неча юз минг тонналаб Россия озуқа дони юборилди.

● Шимолий Осетиянинг Моздок шаҳрида амалга оширилган йирик террорчилик ҳаракати натижасида ҳарбий госпитал бўғунлай вайрон бўлди, 50 киши ҳаётдан қўз юмди, 80 дан ортиқ кишилар жароҳатланди. Жабрланганларга ёрдам кўрсатиш мақсадида махсус ҳисоб рақами очилди.

● 1 августдан бошлаб Ироқ жаҳон нефть бозорига доимий экспортчи сифатида қайтди. Бағдод 12 та хорижий компаниялар билан кўнига 650 минг баррель ҳажмида нефть етказиб бериш бўйича дастлабки шартномаларни имзолади.

● Бир гуруҳ Америка олимлари ернинг озон қатламини текшириш натижаларини эълон қилишди. Мутахассисларнинг тасдиқлашича, охириги 10 йиллик давомида озон қатламининг емирилиши секинлашган.

2003 — Обод маҳалла йили «Маҳалла кuni» файзли ўтди

Ўтган шанба кuni «Туркистон» саройининг ёғзи майдони одатдагидан кўра гавжум бўлди. Тушдан кейин карнай-сурнай садолари ушбу файзли гўшага меҳмонларни чорлай бошлади. Зеро, бу ерга «Маҳалла кuni» байрамиди иштирок этиш учун шаҳримизнинг барча ҳудудларидан маҳаллалар фаоллари, оқсоқоллар, жамоат ташкилотларининг вакиллари ташриф буюришди.

Саройга кираверишда барча туманлардаги энг илгор, намунали маҳаллалар ҳаётини акс эттирувчи стендлар, уларда ишлаб чиқарилган миллий хунармандчилик махсулотлари кўргазмасининг ташкил этилиши байрам тадбирига ўзгача файз бағишлади.

— Маҳалламизда кўлда гилам тўқишга ихтисослашган

лақларини билдиришгач, Обод Маҳалла йили ва «Маҳалла кuni» муносабати билан ўтказилган кўрик танловнинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бошланди. Чунончи, «Энг обод маҳалла» кўрик-танлови ғолиби Собир Рахимов туманидаги «Мир-кичик цех очганмиз, — дейди чиройли гиламчалари кўргазмага қўйилган Бектемир туманилик Эшмўмин Бобоёров. — Меҳнат биржаси орқали бизга келган ёшларга, мактаб ўқувчиларига 4 ойлик курсларимизда гилам тўқишни ўргатамиз.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари Анвар Аҳмедов ва Фарида Абдурахимова, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимов йиғилганларни кўтлаб, ўларанинг энг эзгу тираисиси» деб топилган Акмал Икромов туманидаги «Катта қабни» маҳалла хотин-қизлар комиссияси раҳбари Муҳаррам Юсупова, «Энг яхши маҳалла педагог-тар-





биячиси» танлови ғолиби Яқкасарой туманидаги «Дамарик» маҳалласидан Хайриниса Жафарова, «Энг яхши маҳалла посбонлар сардори» — Чилонзор туманидаги «Қатортол» маҳалласи сардори Шавкат Норматов, «Энг обод кўча» деб топилган Ҳамза тумани «Наврўз» маҳалласидаги Лисунов 4-мавзеси, шунингдек кўрик-танлов совриндорларига шаҳар ҳокимининг Фахрий Ёрликлари ва қимматбахо совғалар топширилди.

«Маҳалла кuni» байрам тадбири Ўзбекистон санъат усталари ва ёш ижрочиларининг катта концерт дастури билан якунланди.

(Ўз мухбиримиз).

СУРАТЛАРДА: «Маҳалла кuni» тадбиридан лавҳалар. Ҳакимжон Солихов олган суратлар.





Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Сўнги ой ичида «Ал-Арабия» телеканали учинчи бор Саддам Хусайин овозини эфирга узатди. Сифати у қадар яхши бўлмаган аудио кассетадан янграган овоз 22 июль кuni ҳалок бўлган Удей ва Кусейларни шахидлар, дея атаб, уларни миллат фахрига тенглаштирган. Ҳозирда уларнинг қўли билан бошланган Саддам Хусайин ўғилларининг ўлимидан изтироб чекаётганлигини айтган. Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Арабия» телеканали фикрича овоз июль ойида кассетага ёзилган. Ҳозирда уларнинг ўлимидан сўнг бир ҳафта ўти янграган Саддам овози Америка Марказий Разведка Бошқармаси (МРБ) фикрича ҳақиқатдан ҳам унга тегишли.

● Ҳозирда улар таслим бўлганлар, ҳозирда эса ҳарбий исёнчиларнинг жиноий жавобгарликка тортилишлари кутилмоқда. Филиппин махсус хизмати юз берган ҳарбий исёнда собиқ Президент Жозеф Эстрада одамларининг дахлдорлигини текширмоқда.

● Хитой ҳукумати Пекин шифоналаридан бирида ғайриоддий зотилжам касаллигидан даволанаётган 12 нафар беморнинг ҳаммаси тўлиқ соғайганини маълум қилди.

— Хитойда ғайриоддий зотилжам тугатилганга ўхшади, — деди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Пекиндаги вакили. Шунингдек у ғайриоддий зотилжам касаллиги устидан тўлиқ галаба қозонилди, дейишга ҳали эрта эканлигини ҳам таъкидлади.

● Пайшанба кuni Ҳиндистон касалхоналарининг бирида операция қилинган покистонлик қизча Дехли касалхонасидан чиқарилди. Ҳинд шифокорлари 2 ёшли қизалоқ юраги устида жароҳлиқ операциясини ўтказдилар. Ушбу операция Покистон халқи билан дўстликни мустаҳкамлаш йўлида ўтказилди.

● Би-Би-Сининг бир гуруҳ ходимлари сунъий йўлдош ёрдамида Шотландиянинг Лох-Несс кўлини ўрганиб чиқдилар. Айтишларига қараганда, ушбу кўлда афсонавий махлуқ яшар экан. Бу афсона эса кўл бўйига бутун жаҳондан кўплаб сайёҳларни жалб қиларди. Тадқиқотчилар чиқарган хулосалар афсонага чин дилдан ишониб юрганлар учун унчалик ҳам ҳуш келмади.

● Ҳиндистонда яқин орада фил эгалари ўз жониворларига кўчада юришлари учун махсус нур тарқатувчи кийимлар кийдиришлари лозим бўлади. Мамлакатнинг ёввойи табиати муҳофазаси қилиш ташкилоти кўчаларда филлар билан боғлиқ фожиалар кўпайиб бораётганлиги сабабли ана шундай ташаббус билан чиқди. Филларнинг ён бошига кечаси ёруғлиқни қайтаридиган махсус белгилар осилади, бу эса ҳайдовчиларга жониворларни коронгада ҳам кўриш имкониятини яратди.

1. Сиз мустақиллик йиллари ўзингиз яшаётган ва меҳнат қилаётган жойдаги қандай ўзгариш ва янгиланишларни таъкидлар эдингиз?

2. Келажакни қандай тасаввур этасиз.

1. Мустақилликка эришганимиздан сўнг ўтган тарихан қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда барча соҳаларда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди.

Шулардан бири Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида ёш авлодни соғлом ва мустақил фикрли, ватанпарвар, кенг тафаккурли, баркамол, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган инсон этиб вояга етказишдек хайрли иш давлатимиз сиёсатининг аниқ устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, ёшларни оммавий спортга жалб этиш бўйича кенг камровли ишлар амалга ошириляпти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II-чақириқ тўққизинчи ва ўнинчи сессияларида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги янги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам нур устига нур бўлди.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти жаҳон андозаларига мос бўлган, бозор қабатларига дош берувчи ва унинг талабларини қондирувчи юксак малакали кадрлар тайёрлаш, қонун устуворлигини таъминлаш орқали ташкилотнинг молиявий ҳолатини кўтариш, яъни шўъба корхоналар, қўшимча иш жойларини ташкил этиш, ўқув муассасаларининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш, спортнинг техник ва амалий турларига

ёшларни жалб этиш натижасида қўшимча маблағлар топиш ва мавҳуд «Ватанпарвар» ташкилотларининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш усулларини, унинг механизмлари билан ишлашнинг кенг йўлларини очиб берди.

Ташкилотимизда янги тизим, янги услуб асосида ишни ташкил этиш усулига ўтилди.

Ташкилотимизда талабларидан келиб чиққан ҳолда янги тахрирдаги Низомини қабул қилди. Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик режаларини қайта кўриб чиқди.

секцияси ва тўғарақларида бепул шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиб берилди. Спортнинг кардинг, мергантик, ракетаавиомоделлари, ёғи биатлон ва шунга ўхшаган кўплаб техник ва амалий турлари қайта тикланди ва ҳозирда ташкилот томонидан биринчиликлар, чемпионатлар ва спартакиадлар ўтказиб келинмоқда.

Ташкилот ҳомийлиги остида «Ватанпарвар-Тўпчи» футбол клуби жамоаси тузилди ва унда 150 га яқин 10-15 ёшдаги болаларнинг шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси футболдининг ривожланиши йўлида кўплаб шоғирларни тарбиялаганимиз ва ҳозирда ҳам ушбу соҳада фаолият кўрсатиб келаяётганлигини эътиборга олиб ҳукуратимиз мени Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан «Кўкрак Нишони» ва «Ўзбекистон Республикаси Ёшлар мураббийси» унвони билан тақдирлади. Албатта, хизматларимиз тақдирланиши кўнглимни тоғдек кўтарди. Ўз навбатида яна олға ҳаракат қилиш, бор билимимни, кучимни, меҳнатимни Истиқлолга бахшида этиш, она Ватанин севишга, унинг тупрогини кўзга суришга ундайди.

2. Ўзбекистонимиз келажакнинг буюк бўлишига қатъий ишонман. Зеро, миллатимиз қадим-қадимдан юксак маданиятга, маданиятга ва улуг инсоний фазилатларга ва вулкан салоҳиятга эга халқдир. Буни эса бутун жаҳон тан олган ва ундан андозалар олиб келганлиги тарихдан аён. Шундай экан Ўзбекистонимизнинг яқин йиллар ичида энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишига ишончим комил.

Президентимиз иборалари билан айтганда биз ҳеч қимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз, дея баралла айтишимиз мумкин.

ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТЛАРИ



«Тошкент оқшоми» анкетаси саволларига Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар кенгашининг раиси, «Ўзбекистон Республикаси ёшлар мураббийси» унвони соҳиби Назир РИЗАМЕТОВ жавоб беради:

«Обод маҳалла йили» муносабати билан мен истиқомат қилаётган «Гулистон» маҳалласида ҳам қатор ижобий силжишлар рўй берди. Маҳалла ахли худудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътиборни қаратмоқда. Халқ ҳашарларининг ўтказилиши, кам таъминланган, ночор, ёрдамга муҳтож аҳоли қатламининг ижтимоий муҳофазаси қилиш ишлари янада жонланди. Биз ҳам «Обод маҳалла йили» дастурининг ижроси йўлида бирмунча ишларни олиб бораёلمиз. Жумладан, вояга етмаган, тарбияси оғир болаларнинг ташкилотимизнинг спорт

«Обод маҳалла йили» муносабати билан мен истиқомат қилаётган «Гулистон» маҳалласида ҳам қатор ижобий силжишлар рўй берди. Маҳалла ахли худудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътиборни қаратмоқда. Халқ ҳашарларининг ўтказилиши, кам таъминланган, ночор, ёрдамга муҳтож аҳоли қатламининг ижтимоий муҳофазаси қилиш ишлари янада жонланди. Биз ҳам «Обод маҳалла йили» дастурининг ижроси йўлида бирмунча ишларни олиб бораёلمиз. Жумладан, вояга етмаган, тарбияси оғир болаларнинг ташкилотимизнинг спорт

“ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС”

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясида Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва муҳтор элчиси Шарат Сабхарвал бошчилигидаги элчихона вакиллари билан учрашув ўтказилди.

— Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ришталари узоқ ўтмишга бориб тақалади, — деди элчи Шарат Сабхарвал. — Бу ҳамкорлик мамлакатингиз мустақилликка эришганидан сўнг юксак поғонага кўтарилди, десак муболаға бўлмайди. Бугунги кунда Ҳиндистон билан Ўзбекистон нафақат сиёсий ва иқтисодий соҳаларда, балки, маданий соҳаларни ривожлантиришда ҳам манфаатли муносабатларни ўрнатган. Ҳиндистон элчихонасининг Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан ҳамкорлиги эса икки халқ маданиятини янада теран тушунишга хизмат қилади.

Учрашувда Ҳиндистон элчиси телерадиокомпаниянинг халқаро каналда сунъий йўлдош орқали хорижий телевидениелар кўрсатувини қабул қилувчи техник жиҳозлар ва Тошкент халқаро радиосига ҳинд мусиқалари ёзилган аудио кассеталар ҳамда компакт дискларни тақдим этди. Шунингдек, мамлакатимиз мустақиллик йилларида эришган улкан ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилувчи ҳинд киноижодкорлари яратган ҳужжатли фильмни телевидениега топширди. «Ўзбекистон замон билан ҳамнафас» деб номланган мазкур ҳужжатли фильмда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг муҳим жиҳатларига урғу берилди.

“Туркистон-пресс”



Яккасарой туманида намунали фаолият юритаётган «Зафар КЗ» хусусий фирма тивувчилари томонидан тайёрланаётган бежирим эркаклар ва аёллар кийим-кечакларини кўпгина дўконларда учратишингиз мумкин. Бу ерда шунингдек кийим-кечакларни таъмирлаш ишлари ҳам бажарилади.

СУРАТЛАРДА: фирма раҳбари Акмал Тошпўлатов (ўнгдан биринчи) тикилаётган эркаклар костюмини кўздан кечирмоқда; моҳир чеварлардан бири Феруза Мажидова.

Маданият

МАРКАЗДА АДАБИЙ ТЕАТР

Россия Федерацияси Ташки Ишлар вазирлиги ҳузурида фаолият кўрсатётган «Росчёталмарказ» халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик даргоҳи томонидан амалга ошириладиган турли тадбирлар жойларда қизиқиш уйғотмоқда.

Марказ иштирокида босмага тайёрланган нашрлар ҳам ўзбек ва рус халқлари дўстлигини мадҳ этишга хизмат қилмоқда. Ўзбек фаолиги Солижон Шариповнинг «Мир» космик кемаси парвози чоғида Ўзбекистон Давлат байроғининг фозга олиб чиқилганлигининг беш йиллигига бағишлаб чоп этилган рисола ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортиди.

Марказ ҳозир Тошкентда фольклор санъати фестивалини ўтказиш тарадудини кўрмоқда. Ушбу маданий тадбир чоғида ўзбек ва рус халқ кўшиқлари ҳам ижро этилади. Бундан ташқари марказ ҳузурида адабий театрни очишга киришилди.

ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГ

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ҳозир 130 миллион нуسخадан ортик турли адабийётлар бор. Улар орасида ўтмиш маданий ва маърифий меросимизга бағишланган нодир нашрлар ҳам анчагина.

XIX асрда рус шарқшунослари томонидан босмага ҳозирланган «Туркистон тўплами» эса кутубхонага совға қилинган нашрлардан бири ҳисобланади.

Туркистон халқи маданияти, этнографияси, урф-одати ҳақида ҳикоя қилувчи бу тўплам 600 га яқин жилддан иборат.

Улардан фойдаланишда қўлайлик туғдириш мақсадида «Туркистон тўплами»нинг электрон каталоги яратилди. Бу эса нодир асардан фойдаланишда компьютер қурилмаларини ишга солиш имконини беради.

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛГА ЙЎЛЛАНМА

Шу йилнинг август ойида Францияда халқаро санъат фестивали бўлиб ўтади. Франциянинг Ля Рошель шаҳрида ташкил этиладиган бу ажойиб мусика санъати байрамига ўзбекистонлик ёш истеъодлар ҳам таклиф этилди.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети француз филологияси факультети талабаси Барҳаёт Мирпўлатов ҳам фестивалда ўз истеъодини намойиш қилади.

Бу билимдон иқтидор эгаси Ўзбекистонда чет тиллар бўйича ўтказилган фан олимпиадасида голибикни қўлга киритган эди. Олимпиада ҳайъати тақдирлаш мақсадида унга Франция санъат фестивалида қатнашиш учун йўлланма берди.

Акбар АЛИЕВ

— Республика бюджетини тўлдирish, иқтисодий йўналишдаги ҳукумат қарорларининг ижросини назорат қилиш солиқ идоралари зиммасидаги энг муҳим вазифалардан ҳисобланади...

— Дарҳақиқат, ҳозирги куннинг энг асосий масалаларидан бири бўлган республика бюджетини тўлдирish, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш ва иқтисодий йўналишдаги барча ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижросининг назорати барча назорат органлари билан бир қаторда солиқ идоралари зиммасига юклатилган.

Зеро, истеъмол бозорини барқарорлаштириш, Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан ўз ўрнини мустақкам эгаллашда солиқ сисъати, солиқларнинг роли катта аҳамиятга моликдир. Иқтисодий муносабатлар даврида солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўла амалга ошириш республика бюджетини вуждага келтиришда муҳим роль ўйнайди.

Бу эса ўз навбатида солиқ идоралари томонидан ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижросини таъминлаш ва назорат ишларини юритишда катта масъулиятни талаб этади.

Ушбу йўналишда Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш борасида ва тадбиркорлар томонидан қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида нафақат текширишлар, балки солиқ тўловчилар томонидан уларни ўз вақтида тўлаш мақсадида солиқ қонунчилигини тарғиб қилиш борасида ҳам маълум ишлар амалга оширилмоқда. Радио, телевидение ва матбуотда чиқишлар ташкил қилинган.

ДСБ томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати томонидан жорий қилинган, савдо ва хизмат кўрсатиш шохбачаларида харид вақтида назорат-касса машиналарини ишлатиш мажбурийлиги, касса чекин олиш шартлиги ҳақидаги «Харидингиз учун чек олишини унутманг» номли плакатини 15000 та ва «Харидингиз қаролтириш учун чек берилмади» — хабар беринг» номли плакатини 10000 тадан чоп этилиш, туман ҳудудида фаолият юритаётган савдо корхоналарида тарғибот ишларини олиб бориш ва назорат-касса машинаси ўрнатилган жойининг кўринарли жойига осиб қўйилиши юзасидан вазифалар юклатилган ва назоратга олинган.

Бундан ташқари солиқ идоралари томонидан мулкчилик шаклидан қатъи назар шаҳар ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлар билан семинар ва учрашулар ташкил этилиб, тушунтириш ишлари олиб бориюмоқда.

Шаҳар Давлат солиқ бошқармаси томонидан ўтказилган мониторинг ва банкдан олинган маълумотлар ҳамда белгиланган текширишлар режасига асосан жорий йилнинг биринчи ярмида назорат тартибиде ўтказилган текширувларда турли камчиликлар аниқланган. Жумладан, 136 марта назорат-касса машинаси ўрнатилмаганд ҳамда савдо фаолияти юритиш ҳолатлари аниқланиб, ушбу савдо тармоқларининг фаолияти тўхтатилди; 1849 ҳолатда назорат-касса машинаси ва қитъанчиликлардан фойдаланмасдан ҳамда белгиланган касса тартибларига амал қилмаган ҳолда фаолият юритиш; 923 ҳолатда 110,9 миллион сўм нақд пул маблағларини ноқонуний сарф қилиш, вақтида банкка топширмаслик; ўтказилган текширишлар натижасида 1849 ҳолатда 66,1 миллион нақд пул назорат-касса машинаси хотирасига киритилмаган; 923 ҳолатда 110,9 миллион сўмлик нақд пул тушуimini яшириш ҳолатлари аниқланиб, 2001 йил 22 июлдаги 264-сонли қарорнинг 3-бандига асосан корхоналарга нисбатан молиявий жарима қўлланилди.

Аниқланган қондабузарликлар бўйича 2633 та шахс 45,8 миллион сўм миқдориде маъмурий жаримага тортилган ва 1386 шахсга нисбатан тузилган ҳужжатлар белгиланган тартибда қонуний чора кўриш учун суд органларига юборилган.

Ушбу йўналишда Республика ва маҳаллий бюджетга кўпроқ маблаг тушириш, солиқ тўловчиларнинг сонини ошириш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш, яъни, белгиланган тартиб бузилишларни олдини олиш, солиқ тўлашдан бош тортиш, яширин иқтисодиётни шакллантириш йўллари, тадбиркорларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, солиқ соҳасида содир этиладиган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлигини тушунтириш солиқ идораларининг асосий вазифаси саналади.

— Шаҳар Давлат солиқ бошқармаси томонидан нақд пул тушуimini кўпайтириш юзасидан қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси томонидан пул муомаласини мустақамлаш, нақд пул тушуimini тўлиқ инкассация қилинишни таъминлаш, тижорат банкларига нисбатан ишонччи мустақамлаш ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 264-сонли қарори талабларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури ва Тошкент шаҳар ҳоқим-

лигининг топширигига асосан доимий равишда назорат ишлари амалга оширилмоқда.

Ўтказилган текширишлар жараёнида ушбу қарорнинг 3-банди талабларини бузган ҳолда савдо фаолиятини амалга ошириш ҳолатлари аниқланиб, 1714 та савдо корхонасига нисбатан туман ҳоқимликларига тақдимномалар киритилди.

Тошкент шаҳрида июнь ойида ва йилнинг 2-чорағида нақд пул тушуimini кўпайтириш, ўз вақтида банк муассасаларига инкассация қилиш, шаҳар Пул-кредит сисъати комиссиясининг қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда туманларда истеъмол бозорини қундалик эҳтиёж моллари билан тўлдирish, аҳолига савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш даражасини ахшиллаш орқали муомаладаги нақд пулни банк муассасаларига ўз вақтида топширишни таъминлаш мақсадида туман ДСБларига вазифа ва топшириқлар берилиб, туман ҳоқимликларининг мутасадди раҳбарлари бошчилигида банк муассасалари раҳбарлари, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда пул тушуimini ўз вақтида инкассация қилмаган ташкилотлар раҳбарлари иштирокида мажлислар ўтказилиб, уларда қил нақд пул маблағларини тўлиқ инкассация қилиш бўйича ташкилотлар раҳбарларига тушунтириш ва кўрсатмалар берилди.

ДСБ ходимлари томонидан жорий йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг нақд пул тушуimini тўлиқ

ҳолатда 112,2 миллион сўм миқдориде молиявий жарима, фаолият туридан тушган нақд пул тушуimini яшириш ҳолатлари аниқланиб, 532 ҳолатда 53,2 миллион сўм юридик ва 381 ҳолатда 57,3 миллион сўм жисмоний шахсларга нисбатан, жами 583,4 миллион сўм миқдорда молиявий жарима ундирилиши учун солиқ органлари томонидан қарор қилинган.

Тошкент шаҳар солиқ идораларининг шаҳар ҳоқимлиги ва Республика Марказий банки билан ҳамкорликда олиб борган ишлари натижасида республика ҳудудидаги корхона ва ташкилотлардан 2003 йилнинг ўтган даври давомида нақд пулга сотиладиган маҳсулотлар олган 3215 та ҳўжалик юритувчи субъектларнинг йирик миқдордаги айланмалари тахлил қилинди ва 2656 та ҳўжалик субъектлари ўрганиб чиқилиб, уларнинг 95 тасида камчиликлар аниқланди ва 76 тасига қонуний чоралар кўрилди. 49 та ҳўжалик субъектлари нақд пуллари ўз вақтида банк муассасаларига топширмаганликлари учун ҳўқуқни муҳофаза қилиш идораларига топширилди.

Ўтказилган текширишлар натижасида 1674,6 миллион сўм қўшимча нақд пул маблағларининг банкларга топширилишига, ҳўфёна иқтисодиёт билан шуғулланиб, катта пул маблағлари айланмасига эга бўлган ва солиқ инспекцияларига ҳисобот топширмаётган ҳўжалик субъектларидан бюджетга 713,6 миллион сўм қўшимча солиқлар ундирилишига эришилди.

Ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижроси юзасидан тўлиқ назорат ишларини юритиш учун ДСБ томонидан «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қондаларини ҳамда Республикада умумий оватланиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш қондалари» бўйича ўзбек ва рус тилида қўлланма тайёрлаб ва хар бир назорат ишларини олиб боруви солиқ ходими га етказилди.

Лекин ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш бўйича олиб бориладиган тушунтириш ва тарғибот ишларига қарамасдан, ўтказилаётган ўрганиш ва қузатувлар натижасига кўра айрим тадбиркорлар томонидан турли йўллар билан ноқонуний даромад олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фаолият юритиш ҳолатлари давом этириюмоқда. Масалан, ўтказилаётган текширишлар жараёнида назорат-касса машиналари физик хотирасига эга бўлишига қарамасдан турли йўллар билан ҳамда айрим ҳолларда «Чип» мосламасини ўрнатиб, уларнинг хотирасига тасвир кўрсатиш (НҚМ хотирасига ёзилган миқдорни суъий равишда қамайтириш) нақд пул тушуimini инкассация қилмасдан даромадларини яшириш ҳолатлари содир этиюмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 майдаги 230-сонли қарорига асосан солиқ идоралари томонидан мунтазам равишда олиб бориладиган назорат ишлари ва ўтказилаётган текширишлар жараёнида ноқонуний даромад олиш мақсадида назорат-касса машиналари хотирасига турли мосламалар ва усуллар ёрдамида қонунга хилоф равишда фаолият юритиш ҳолатларини давом этираётган тадбиркорлар аниқланиб, уларнинг фаолиятига чек қўйилмоқда.

Ушбу йўналишда ўтказилаётган текширишлар натижасида жами 59 та, қарор чиққандан кейин эса 48 та шудай ҳолатлар аниқланди ва қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг ҳаракатларида жиноят аломатлари борлиги сабабли текшириш ҳўжатлари ҳўқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилди ҳамда қарорга асосан қондабузар субъектларига нисбатан 34,7 миллион сўм молиявий жарима қўлланилди.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси томонидан мулкчилик шаклидан қатъи назар тадбиркорлар томонидан Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлаш, қонун ҳужжатларига ёки ўзлари тузган шартномалардан келиб чиққан ҳолда хуфсизлик, экология, санитария, гигиена ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига ҳамда ишлаб чиқариб сотиладиган маҳсулотларини қонун ҳўжатларига мувофиқ сертификатланганлиги ва тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳўжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларига амал қилиниши юзасидан доимий назорат ишлари олиб бориюмоқда.

Ушбу йўналишда мулкчилик шаклидан қатъи назар шаҳар ҳудудида ноқонуний равишда ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларини сотиш билан шуғулланаётган тадбиркорларни аниқлаш мақсадида жорий йил мобайнида 42 та тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тегишли ҳўжатлари бўлмаган равишда фаолият юритаётган ишлаб чиқариш цехларида текшириш ўтказилиб, ноқонуний равишда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг фаолиятига чек қўйилди.

Юқоридаги йўналишлар бўйича назорат-тектирувлар ишлари давом этмоқда.

Дилшод ИСРОИЛОВ
сўхбатлашди.

• СОЛИҚ
Истеъмол бозорини барқарорлаштириш йўлида

Солиқларни бюджет таянчи деймиз. Яъни, бюджетга турли солиқ ва тушумлар ўз вақтида ва тўла ҳажмда тушиб турса, давлат хазинаси бойийди, демак, ижтимоий соҳаларга янада кўпроқ эътибор қаратиш учун ҳам кенг имкониятлар очилади. Бизнинг Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари Зафар Отахонов билан суҳбатимиз ҳам бошқарманин фаолияти, солиқ идоралари томонидан ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш ва назорат ишларини юритиш, нақд пул тушуimini кўпайтириш юзасидан амалга ошириладиган ишларга бағишланди.

бюджетга келиб тушиш ҳамда эмиссия даражасини қисқартиришга қаратилган қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида шаҳар ҳудудидаги савдо ва умумий оватланиш корхоналарининг 17572 тасида хронометраж ўтказилди ва ўтказилган хронометраж натижасида бир кун олдин тушган тушумга нисбатан 559,9 миллион сўм миқдориде нақд пул тушуими кўп тушганлиги кузатилди.

ДСБ томонидан ўтказилаётган тадбирлар натижасида нақд пул маблағларини банк муассасаларига топширилиши бир мунча ошди. Масалан: жорий йилнинг биринчи чорағида жами 258,1 миллиард сўмини, шундан 90,8 миллиард сўм савдо тушум тушган бўлса, жорий йилнинг иккинчи чорағида жами 301,1 миллиард сўмини, шундан 101,1 миллиард сўм савдо тушуими банк муассасаларига топширилган. Яъни, жорий йилнинг иккинчи чорағида жами тушум 43,0 миллиард сўмга, шундан 10,3 миллиард сўм савдо тушуими ошиқча туширилган.

Тошкент шаҳар ҳоқимлигининг топширигига асосан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280-сонли «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини жойлардаги ижросини таъминлаш юзасидан ҳўжалик юритувчи субъектлардаги эски моделдаги назорат-касса машиналарини физик хотирали назорат-касса машиналарига алмаштириш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва ушбу тадбир хар бир туман ДСБларида белгиланган тартибда олиб борилиди ва 1 июль ҳолатига тўлиқ алмаштирилди.

Шунингдек, юқоридаги қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида 87 нафар солиқ ходимларидан иборат махсус гуруҳлар тузилиб инкассация бирлашмаси билан ҳамкорликда белгиланган 87 та йўналиш бўйича шаҳар ҳудудида нақд пулга фаолият юритувчи ҳўжалик субъектлар томонидан қунлик тушуimini банк муассасаларига ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши юзасидан тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Ўтказилаётган текширувлар натижасида қўра қондабузарларга нисбатан қандай чоралар кўриюмоқда?

— Ўтказилаётган тадбирлар натижасида нақд пул тушуimini ўз вақтида ва тўлиқ инкассация қилмаётган корхоналар юзасидан инкассация таркибига киритилган давлат солиқ хизмати ходимлари томонидан олинётган маълумотларга асосан назорат тартибиде текширишлар ўтказилмоқда. Олинган маълумотларга асосан 2003 йил 1 январдан 1 июлгача 5004 та корхоналарда назорат тартибиде текширишлар ўтказилиб, уларда жами назорат-касса машинаси хотирасига 66,1 миллион сўм нақд пул тушуими киритилмаган ва 110,9 миллион сўм савдо пули инкассация қилинмаган ҳолатлари аниқланди.

Текшириш натижасида қўра назорат-касса машинаси ёки қитъанчи билан ишлаш тартибин бузганлик учун юридик корхоналарга нисбатан 700 ҳолатга 360,7 миллион сўм ва жисмоний шахсларга нисбатан 1132 та

• ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН

«GREEN WORLD»да тайёрланган табиий шарбатлар бугун нафақат мамлакатимизда, балки Россия Федерациясида ҳам севиб истеъмол қилинмоқда. Боиси эса жаннатмакон юртимизда гарк пишадиган мева ва сабзавотлардан ишлаб чиқарилаётган бундай шарбатларнинг таъми озгингизда қолади.



ТАБИЙ ШАРБАТ — ЖОНГА РОҲАТ

Марказий Осиёда ягона, замонавий хорижий линиялар билан жиҳозланган ушбу қўшма корхона 1999 йилда ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, унинг таъсисчилари Американинг «ORDUNE CORP.», Корейнинг «SUNG WOO CORP» фирмалари ва пойтахтимиздаги «Олтин тақа қўшув» масъулияти чекланган жамиятидир. Ўзбекистон — Америка — Жанубий Корея давлатлари ҳамкорлигида ташкил этилган қўшма корхонанинг асосий мақсади юртимизда етиштирилмайдиган мева ва сабзавотларни қайта ишлаб, экологик тоза, экспортга мувофиқланган табиий шарбатлар, жем, мева бутчалари, мураббо, турли маринад ва консерваларни тайёрлаш, «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиги билан чиройли қадоқланган ушбу сифатли маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқариб, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришдир.

синовида фахри 1-ўринга сазовор бўлганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Анор шарбатлари эса таъми ва сифати жиҳатидан юқори баҳоларга сазовор бўляпти. Тадбиркорлар ўз маҳсулотларини халқаро «USO» сертификати даражасида ишлаб чиқаришга бутун диққат-этиборни қаратишмоқда. Ана шунда жаҳон бозорига дадил кириш имконияти янада кенгайди.

Изданишлар ҳам самара бераётганини таъкидлаш ўринли. Чунки бугунги бозор, харидор талаби ҳам айнан шунга тақозо этади. Жорий йилда корхона тадбиркорлари томонидан газланган йодли сувлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бир литрли идишларда тайёрланаётган ушбу маҳсулот буюқ касаллиги билан хасталанган беморлар учун фойдалидир.

Келгуси режалар хусусида ҳам айтиб ўтмоқ жоиз. Негаки қўзланган янги мақсадлар бўлмас, муваффақиятлар ҳам қозонилаётгани аниқ. Шарбатларни махсус кутиларга қадоқлашни йўлга қўйиб, меваларни музлатиб сақлаш технологиясини ўзлаштириш ва албатта қадоқловчи идишларни ўзимизда ишлаб чиқаришга эришиш ана шундай режалар сирасига кирди. Бунинг учун эса янада тадбиркорлик, ишбилармонлик керак бўлади. «GREEN WORLD»чилар эса хорижий шериклар билан ҳамкорлини янада мустахкамлаб, имкониятларни ишга солиб мақсадлари йўлда изланишга ҳаммиша тайёр.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: Мажиду Сулаймонова ва Шахло Алимовалар хорижий линияларда ишлашни мукамал эгаллашган; оператор Раҳимжон Косимов; қўшма корхонада тайёрланаётган шарбатлар.

Ҳақимжон Солихов олган суратлар.



— Ўзбекистонимизнинг мева ва сабзавотларига таъриф йўқ, — дейди корхона бош директори Аваз Исмоилов. — Ҳар йили улардан мўл ҳосил етиштирилади. Биз ана шу меваларни эмас, балки ундан тайёрланган маҳсулотни экспортга чиқарсак, бу албатта, иқтисодийимизни ривожига катта ҳисса бўлади. Шунингдек, тайёр маҳсулотнинг сақланиш муддати ҳам талаблар даражасида, айниб, бузилиб қолмайди. Шу боисдан ҳам корхонамиз 1 соатига 5-6 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, бир сменада эса 18 минг банка шарбат тайёрлаш қувватига эга.

Корхонада сифатли маҳсулот тайёрлашда келтирилатган хом ашёнинг ўрни алоҳида. Шунинг учун Фарғона, Тошкент ва бошқа вилоятлардан олиб келинаётган мева-сабзавотлар хорижий ускуналар билан жиҳозланган лабораторияда текширувдан ўтади. Шунингдек, малакали лаборатория ходимлари маҳсулот тайёр бўлиб қадоқлангунга қадар бўлган жараёнда босқичма босқич текширувларни олиб боришади. Негаки сифатли, талаблар даражасидаги маҳсулотгина харидорини топади, корхона ривожини таъминлайди.

Ички ва ташқи бозорни ўрганиш асосида эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, турлари ортиб, қадоқланишига эътибор қўйилмоқда. Буни рақамлар ифодасида ҳам аққол кўриш мумкин. 2001 йилда 86 миллион, 2002 йилда 980 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда уни 1 миллиард 200 минг сўмга етказиш кўзда тутилган. Шунингдек, маҳсулотлар Россия, Беларуссия, Англия ва бошқа давлатларга экспорт қилинади. Жамоада тайёрланаётган шарбат маҳсулотлари Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган лаборатория

• ПАЛАТАЛАРДА

ИШОНЧ — КАТТА МУКОФОТ

уни эса оқлаш лозим

Тадбиркор иш бошлади. Лекин фаолияти давомида айрим муаммолар юзага келади, тўсиқларга ҳам учраши мумкин. Ана шундай ҳолатларда уларга биринчи ёрдамга келадиган, қўллаб-қувватлайдиган ташкилот — бу жойлардаги товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасидир. Албатта, тадбиркорга тўғри йўл кўрсатиб, унга керакли кўмакни бера олган, ишлари ривожига маслаҳатлари асқотган палатагина ишчи қозона олади. Тадбиркор ишончи эса уларга энг катта мукофотдир. Ана шундай ишончга сазовор бўлишда пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туман Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ходимлари ҳам зиммаларидаги масъулиятни англаган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Палатараиси Мирхотам ЗОКИРОВ бу ҳақда бизга қуйидагиларни гапирди берди:

— Зиммамиздаги вазифаларни амалга оширишда Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланган «2003 йилда Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманида хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш» дастури асосида иш юритаямиз. Бу борада биз юқоридagi соҳа ривожига иқтисодийимизни юксалтириш, халқимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини доимо ёдда тутамиз.

Авалло, палатага аъзо бўлган тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширишга, уларни соҳага оид янги ҳужжатлар билан таништиришга катта эътибор қаратилган. Бу

борада режа асосида ташкил этилаётган семинарларнинг натижаси самарали бўлмоқда.

Жорий йилда режалаштирилган 12 та семинарлардан 2 чорак даврида 7 таси ўтказилган бўлиб, уларда назорат органлари билан биргалликда кичик ва ўрта бизнес субъектларига имтиёзли кредит ресурсларини ажратишда ўз хиссасини қўшаётган «Бизнес-фонд», «Мадад» сурғурта агентлиги, «Ўзбекистон» каби компанияларидан ҳам вакиллар таклиф қилиб берилмоқда. Яна шунини таъкидлаб ўтиш кераки, 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди» ва «KONRAD ADENAUER» фонди билан биргалликда «Тадбиркорлар нималарни билишлари керак?» ва

Кредит ва лизинг олиш йўллари, солиқ ва боғхона қонунчилиги асослари» мавзуларида 2 та ўқув семинар курслари ташкил этилиб, унда 50 га яқин тадбиркорлар ўқитилди ҳамда уларга сертификатлар берилди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредитлар ажратиши, янги иш жойлари яратиш, маҳаллийлаштириш жараёнига жалб этиш, фойдаланилмаётган майдонларни ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадларга олишда тадбиркорларга ёрдам бераймиз. Жумладан: 2003 йилнинг май ойида 2 та ўрта муддатли 36 миллион сўмлик ҳамда 4 та — 8,9 миллион сўмлик қисқа ва микрокредит лойиҳалар кўриб чиқилиб тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес

ТАДБИРКОР

• ИНТИЛАНГА ТОЛЕ ЁР

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ШАРОҲАТИ

Сифатли ва рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бозор ва харидор талабини тўла қондириш учун албатта замонавий, юксак унумли технологиялардан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик билан иш юритиш лозимлигини бугун тажриба аққол исботлаб турибди. Ана шу асосда муваффақият қозонаётган, ички ва ташқи бозорда муносиб ўрин эгаллаётган ўрта ва кичик корхоналар сафи тобора кенгайиб бораётганини қувонарлиқдир.

«AGROPLASTIMPEKS» ишлаб чиқариш корхонаси ана шундай мақсадлар йўлида интилаётган жамоалардан ҳисобланади. Корхонанинг ташкил этилишига эндигина 5 йил бўлсада, бу ерда замонавий технологиялар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ички бозорда харидорини топиши билан бирга хорижга ҳам экспорт қилинмоқда.

— Ҳар бир ишда астойдил ҳаракат, изланиш бўлсагина, қўзланган натижаларга эришиш мумкин, — дейди корхона раҳбари Фарҳод Мамажонов. — Аввало, тадбиркорликка Истиклол шарофати билан кенг йўл очилган бир пайтда дилда гайрати, қалбида жўшқинлик мужассам бўлган ишбилармон ўзини меҳнатда қўрсатиши, шундай имкониятлар яратган Мустақилликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш лозим, деб биламан. Корхонамизни ташкил қилишдан мақсад сифатли ва рақобатда чидамли маҳсулотни ўзимизда тайёрлаш, биринчи навбатда ички бозордаги харидорлар талабини қондириш, шунинг баробарида экспортни ҳам йўлга қўйиш эди.

Албатта, мақсадга қўл қовуштириб ёки хаёл суриб эришиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам тадбиркорлар «Харакатда баракат» деган нақлга амал қилишди. Жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулот тайёрлашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун сифатли хом ашёга етарли эмас, замонавий технология, уни мукамал бошқара оладиган кадрлар зарур. Шу боисдан ҳам бизнес-режа тузилиб, Марказий Осиё — Америка тадбиркорлиги қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 165 минг долларлик кредити олинди. Натижада 165 тонна полипропилен қоп ишлаб чиқариш учун керакли дастгоҳлар келтирилди. Ушбу дастгоҳлар ёрдамида жаҳон андозалари даражасидаги полипропилен қоплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Энг қувонарлиси эса корхонада замонавий дастгоҳлар ёрдамида йилга 7 миллионга ана шундай қоплар ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлиб, бюрократга қўра улар турли ҳажмларда тайёрланмоқда. Ушбу полипропилен қопларам

дан шаклар, ун, галла, турли минерал ўғитларни қадоқлашда кенг фойдаланилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сертификатланган.

Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, корхона ўз фаолиятини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қўшма-ишчи ўринлари яратиш, экспортни йўлга қўйиш мақсадида кредитлардан самарали фойдаланди. Юқоридagидан ташқари 1999 йилда «Ўзриватбанк» ёрдамида Германиянинг KfW Банкидан 811 минг немис



маркаси ҳисобида маблағ олишга эришилди. Албатта, ундан самарали фойдаланиб, Олмақил шаҳрида «OLPLAST» шўъба корхонаси очилди. Ушбу шўъба корхонанинг очилиши натижасида 100 нафар иш йўлга қўйиш иши билан таъминланди, полипропилен қоп ишлаб чиқариш ҳажми эса бир неча баробарга ошди.

Ушбу банкдан 2001 йилда олинган яна бир 561 минг немис маркаси миқдоридagi кредит эса бугунги қайта ишлаб, ун ишлаб чиқаруви мажмуани ишга туширишга сарфланди. Энг муҳими эса ушбу кредитларнинг барчаси муддатидан олдин қайтарилгандир. Янги ишга туширилган ушбу мажмуа бир кеча-кўнунда 35 тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Йилга эса 12 минг тонна бугунги қайта ишлаш қувватига эга бўлган ушбу мажмуада тайёрланган ун талаблар даражасида, сертификатга эга. Шу боисдан ҳам корхонада қайта ишланиб, полипропилен қопларга

қадоқланган ун маҳсулотлари хорижга экспорт қилинмоқда. Харидорлар орасида Туркия, Голландия, Хитой, Таиланд давлатлари бор. Хозирги кунда ушбу мажмуада 30 дан зиёд ишчи-хизматчи фаолият кўрсатмоқда.

Республикамиз иқтисодиёти ривожига муҳим ҳисса қўшишни мақсад қилган корхона тадбиркорлари ўтган йилда 500 минг АКШ долларлик маҳсулотларни экспорт қилишга муваффақ бўлибди. Жорий йилда эса ушбу кўрсаткични янада оширишга эришилди. «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиги остидаги қоп ва ун маҳсулотлари хорижлик харидорларга етиб боради.

Кўлга киритилган муваффақиятлар тадбиркорларни янги изланишларга ундамоқда. Ана шу интилаётган эвазига эса ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш кўзда тутилиб, жамоанинг «OLPLAST» шўъба корхонаси қрошда йилга 10 миллионга полипропилен қоп ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги фабрика очилиб, қўшимча 100 нафар ишчи ўринлари ташкил этиш кўзда тутилган. Бунинг учун эса Европа тараққийт ва тикланиш банкидан 576 800 доллар кредит олишга муваффақ бўлинди. Замонавий хорижий дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган янги фабрика ишга туширилса, экспорт ҳажми ҳам ортади.

— Юртимизда ўз гоёсига, сай-ҳаракатга эга бўлган ҳар бир тадбиркор қадр топиши аниқ, — дейди Фарҳод Мамажонов. — Буни мустақиллик йилларида биз учун яратилаётган шарт-шароит, берилаётган имкониятлардан аққол биламиз. Тўғри, тадбиркорликнинг ўзи бўлмайди. Чунки ҳаммаининг ҳам иши силлиқ кетмайди, тўсиқларга учраши мумкин. Ана шундай пайтда ўзини ҳимоя қилиши учун унинг иқтисодий, ҳуқуқий билимлари етарли, режалари пухта, аниқ бўлиши керак.

Экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариб, ҳам ички, ҳам ташқи бозорда ўрин топаётган корхона тадбиркорларининг ютуқлари муносиб баҳосини олмақда. Улар пойтахтимизда жорий йилда ўтказилган «Ташаббус-2003» кўриж-танловининг шаҳар босқичида фахри 2-ўринни эгаллашди ҳамда «Энг яхши экспортчи» йўналиши бўйича голиблигини қўлга киритишди. Буларнинг барчаси тадбиркорлик билан иш юритаётган корхона аҳлига қўн-ғайрат бағишлаб, янги ва ёрқин изланишларга ундамоқда.

Шарофат БАХРОМОВА
СУРАТДА: замонавий хориж линиялари билан жиҳозланган корхона ҳолида малакали ишчилар меҳнат қилишади.

субъектларига ажратилиб, туманда қўшимча янги 54 та ишчи ўринлари яратилишига имконият яратилди. Хозирги кунга келиб тумандаги тижорат банклари билан ҳамкорликда иш юритган ҳолда яна 17 миллион сўмлик 4 та микрокредит лойиҳаларни иш билан таъминлаш ва бизнес фондинг ресурслари ҳисобига ўзлаштирилиши ва янги 37 та ишчи ўринлари ташкил қилиниши кўтилмоқда. Бундан ташқари чет-эл валютасида яна 4 та лойиҳа кўриб чиқилмоқда.

Палатамиз қошидаги «Аҳборот — маслаҳат маркази» томонидан асосан тадбиркорларга таъсис ҳужжатлари тайёрлаб бериш, юридик маслаҳат, бухгалтерия ҳисоби ва Ҳисоботини юритиш, тижорат банкларида ҳисоб рақам очиб ҳамда Бизнес режалар тайёрлаш каби турдаги хизматлари кўрсатиб келинмоқда. 2003 йил 1 чорайида «Аҳборот — маслаҳат маркази» томонидан 1035 та тадбиркорга 1635,3 сўмлик ҳар хил турдаги хизматлар кўрсатилган.

Палата қошидаги аҳборот-маслаҳат маркази томонидан бизнес соҳасидаги кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш бўйича 2003 йил 2 чорайи давомида 57 та тадбиркор ўқитилди. Палатада тадбиркорларга керакли хом ашё маҳсулотлари бўйича маълумот берувчи «Мароканд» тизими ҳамда «Ҳуқуқ» дастури компьютер системасида ўрнатилган ва ундан кенг фойдаланилмоқда. Бундан ташқари Палата «ИНТЕР-NET» тизимига ҳам улганган бўлиб, тадбиркорларнинг хорижий инвесторлар ва ишбилармонлар билан алоқалари таъминланмоқда.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг кредит суммаларини ўзлаштиришларидаги муаммолар хусусида ўтхаладиган бўлсак, бу шундан иборатки, корхоналарнинг лойиҳалари асосан гаров масаласидаги, ер қадастрида ҳужжатларни кўриб чиқишда қўп вақт сарфланиши, баъзида эса тижорат банкларида керакисиз ва ортиқча қоғозбозлик ҳолатларининг ҳам учраб туришидир. Бунинг натижасида тадбиркорларнинг банк ва шунга ўхшаган муассасаларга бўлган ишончлар камайиб, корхоналарнинг молиялаштирилиши кечиктирилмоқда. Шу билан бирга тадбиркорларнинг кредит суммаларини ўзлаштиришларида гаров масаласи энг асосий муаммо бўлиб келмоқда.

Ушбу муаммо ва камчиликларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш юзасидан бир қатор амалий ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг иш фаолияти давомида юзага келадиган муаммолар ва камчиликларнинг олдини олиш ходимларимиз корхоналарга, яъни жойига чиқиб анкета-сўровномалари, мониторинглар ўтказишмоқда.

Амалга ошираётган ишларимизнинг барчаси аниқ мақсадга — кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожланиши, иқтисодийимизни юксалтиришда муҳим ҳисса қўшишига янада кенг имконият яратишга, уларга ҳақиқий таянч бўлишга қаратилган ва бу йўлда сай-ҳаракатларимиз давом этади.

(Ўз муҳбиримиз)

• АЙТСАН ТИЛИМ...

ВОЗ КЕЧДИМУ ҚУТУЛДИМ

«Мен ҳам кейинги пайтда тез-тез қўлланилаётган «Тадбиркорга омад ёр» деган нақрга амал қилган ҳолда хусусий корхона ташкил этдим.

Мақсадим халқимиз дастурхонига ширин-шакар қандолат маҳсулотлари тайёрлаб етказиш, уларни хориждан келтириладиган маҳсулотлардай чиройли қадоқлаб, харидорга маъқул қилиш эди. Бунинг учун юртимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибордан кенг фойдаландим. Хориждан замонавий технологиялар келтириш учун кредит олишга ҳам муваффақ бўлдим.

Ана шу технологияларни ишга тушириб 10 нафар йигит-қизни иш билан таъминладим. Аввалига 2 турдаги маҳсулот тайёрлаган бўлсак, ярим йилда ширинликларимиз 10 хилга етди. Харидорларимиз сафи ҳам кенгайди. Албатта, харидор талабини қондириш учун ишлаб чиқаришни кенгайтириш керак. Бунинг устига олинган кредитни ҳам вақтида қайтариш бор.

Бир-икки ой яхши ишладик. Тинчлигимизни ҳеч нима бузмади. Лекин кейин-кейин ҳар хил буйруқлар, илтимослар, талабномалар билан келадиганлар кўпайди. Аввалига юз амри иссиқ, фирмани очавтганимизда бизни «қўллаб» юборганларнинг илтимосларига йўқ демадик, шунингдек саховат ишларида ҳам қўлимиздан келганча маҳсулотларимиз билан ногирон ва болаларнинг қўнглини олдик. Ахир саховатнинг ҳам ўз ўрни бор-да. Уни чин дилдан чиқариб қилсангиз саовиб тегади. Лекин кейинчалик байрамлар муносабати билан ўтказиладиган айрим тадбирларга ҳомийлик қилишга ёки қайсибир ташкилотларга фалон сўм пул ўтказишга ҳам буйруқ бўла бошлади. Бажармасангиз ишингиз тўхтайдими, негаки текшир-текширлар бошланади. Бажарсангиз, ахир тоғ ҳам емирилади-ку. Бу

«Тадбиркорбанк» хусусий тадбиркорлик-тижорат банки ҳақида маълумот беришимиз сўраймиз. Дилдора Жўраева, тадбиркор.

«Тадбиркорбанк» хусусий тадбиркорлик-тижорат банки ҳақида маълумот беришимиз сўраймиз. Дилдора Жўраева, тадбиркор.

Тадбиркорнинг дил сўзларини
Дилноза ҒИЁСОВА
ёзиб олди.

«Тошкент оқшоми»

ХУКУҚИЙ
МАСЛАХАТХОНАСИ

Қонунга ҳурмат ва иттифоқлик – ҳаёт мезони

(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

176. Меросни тақсимлашда қайси ҳижатларга алоҳида эътибор бериш зарур?

Мерос мулкни тасарруф қилиш ҳуқуқи қонун билан белгиланган олти ойлик муддат ўтганидан ёки ворислик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома олинганидан кейин вужудга келади. Махсус давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкнинг меросхўрлар ўртасида тақсимланиши алоҳида шартнома билан расмийлаштирилиши мумкин. Бундай ҳолларда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома шу шартномага асосан берилиши керак.

Бошқа мерос мулкларини тақсимлаш ҳам шартнома орқали амалга оширилишига йўл қўйилади. Меросхўрларнинг хоҳишига кўра бундай шартномалар ҳам нотариал гувоҳлантирилиши мумкин.

Биргаликдаги умумий мулкни бўлиш **Фуқаролик кодексининг 226-моддасига** асосан амалга оширилади.

Меросхўрлар ўртасида мерос мулкни бўлишдан олдин эрхотиннинг биргаликдаги умумий мулкдан **(9-саволнинг жавобига қаранг)** ҳаёт бўлган эр ёки хотинга тегишли бўлган қисми ажратилиб, қолган қисми меросхўрлар ўртасида тақсимланади.

Мерос қолдирувчининг ҳомила ҳолидаги боласининг ҳам улуши ажратилиб, нотариал идораси томонидан уни сақлаш чоралари кўрилиши керак. Меросни тақсимлаш ҳомила ҳолида, яъни ҳали туғилмаган меросхўр туғилганидан кейин амалга оширилиши ҳам мумкин (**Фуқаролик кодексининг 1151-моддаси**). Ҳомиладаги бола ўлик туғилса, унга тегишли улуш бошқа меросхўрлар ўртасида тенг тақсимланади.

5.13. Ҳозир бўлмаган меросхўрларнинг ҳуқуқлари

177. Турган жойи номаълум меросхўрнинг меросга бўлган ҳуқуқини таъминлаш юзасидан қандай чоралар кўрилиши жоиз ҳисобланади?

«Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 49-моддасига асосан нотариус мерос очилганлиги ҳақидаги хабарни эшитган, бу ҳусусда меросхўрларни хабардор қилиши шарт.

Мерос очилган жойда ҳозир бўлмаган ворис мерос олишга қақчилгани ҳақидаги хабарни олганидан кейин олти ой ичида меросдан воз кечмаган ҳамда меросни қабул қилиб олган ворислар мерос мулкни тақсимлаш ниятлари ҳақида унга хабар қилишганидан кейин уч ой ичида ўз истагини билдирмаган бўлса, мерос мулкдан унинг улуши ажратилиб, қолгани ўзаро келишилган ҳолда тақсимланади.

Агар меросхўрлар орасида турган жойи номаълум шахслар бўлса, қолган меросхўрлар, васиятномани ижро этувчи (мерос бошқарувчиси) ва нотариус уларнинг турган жойини аниқлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали ошқора маълум қилиш ёки хабар бериш йўли билан уларни ворисликка қақчириш юзасидан зарур чораларни кўришлари шарт.

Агар ҳозир бўлмаган меросхўрнинг турган жойи мерос очилган кундан эътиборан бир йил мобайнида аниқланмаса ва унинг меросдан воз кечиши тўғрисида маълумотлар бўлмаса, қолган меросхўрлар, уни хабардор қилиш юзасидан белгиланган шартлар бажарилган, ҳозир бўлмаган меросхўрга тегишли бўлган улуши ажратиб, ўзаро келишувга кўра мерос тақсимотини амалга оширишга ҳақлиқлар (**Фуқаролик кодексининг 1151-моддаси**).

5.14. Айрим меросхўрларнинг мерос таркибига қирадиган мол-мулкка бўлган имтиёзли ҳуқуқи

178. Мерос тақсимотида мерос таркибидан кўчмас мулк ва уй-рўзгор буюмларини, умумий мулк бўлган мол-мулкни олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлишнинг ҳам қандайдир шартлари борми?

Фуқаролик кодексининг 1153-моддасида белгилаб қўйилганидек, мерос тақсимотида мерос таркибидан:

уй, квартира ёки бошқа турар жойни, шунингдек уй-жой ашёлари ва рўзгор буюмларини олишда мерос очилгунга қадар уч йил мобайнида мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган меросхўрлар;

умумий мулк бўлган мол-мулкни асл ҳолида олишда мерос қолдирувчи билан мол-мулкка нисбатан умумий мулк ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

(Давоми бор)

ОАВ ни Қўллаб-қувватлаш лойиҳаси

Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказида «Марказий Мусоёда ОАВ ни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси»нинг тўртинчи босқичи тақдироти бўлиб ўтди. Мазкур лойиҳа минтақада 2000 йилдан буён Швейцариянинг «Ситига» ташкилоти томонидан амалга оширилмоқда ҳамда Швейцария Ривожланиш ва ҳамкорлик агентлиги /SDC/ томонидан молиялаштирилмоқда.

Лойиҳанинг мақсади Марказий Осиё мамлакатларида ОАВнинг мақоми мустақамлашга ҳар томонлама кўмаклашишдан иборат ҳамда уч давлат: Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистонни қамраб олади.

Унинг янги босқичида қўйилган вазифалар бирмунча ўзгарди: агар аввал минтақавий мулоқотни ривожлантиришга ургу берилган бўлса, эндиликда кишиларни ахборот билан таъминлашни кенгайтириш ва журналистларнинг касб малакасини оширишга кўпроқ эътибор қаратилади. Бундай ёндашув аҳолини фуқаролик жамиятини шакллантириш, уни бошқаришни мукамаллаштириш ва ошқоралиқни қўлайтириш жараёндарига кенг жалб қилишга имкон бериши керак.

Лойиҳанинг Ўзбекистондаги институционал ҳамкори Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази бўлиб, ушбу марказ Бухоро,

Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида сўров ўтказишда фаол иштирок этди. Лойиҳа доирасида ОАВ фаолиятининг турли йўналишлари бўйича мониторинг ўтказилади. Тадқиқотлар натижалари бўйича рисола шаклида ҳисобот нашр этиш ҳамда уларни журналистлар, ҳукумат идоралари, жамаатчилик ва халқаро ташкилотлар ўртасида тарқатиш кўзда тутилган. Шунингдек ОАВ ходимлари ва вазириликлар, республика идоралари вакиллари иштирокида «давра суҳбати» ташкил этиш ҳам режалаштирилган. (ЎЗА)

Гап Шайхонтоҳур тумани «Янги шаҳар» маҳалласининг фахрий оқсоқоли, тарих фанлари номзоди, маданият жонкуяри Хурсанд (Раҳимкул) Меликулов ҳақида борар эди. Дарҳақиқат, Хурсанд ака ҳақида гап кетганда, у кишини билган ва таниган одамлар унинг фидойиллиги, шинавандалиги, меҳрибонлиги ва саҳийлигига тан беришади. Бу ҳақ гап. Маълумки, жорий йил Обод маҳалла йили деб эълон қилинган. Унинг обод бўлиши маҳалланг обод, маҳалланг обод бўлса юртинг обод, деб бекорга айтмайди. Шунинг учун ҳам мустақил республикамизда маҳаллаларимиз ривожига, уларни ободонлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Деярли ҳар кун «ойнаи жаҳон» орқали, радио тўлкинларида, матбуот саҳифаларида обод маҳаллалар, уларнинг жонкуярлари ҳақида қизиқарли қўрсатувлар, эшиттиришлар, мақола ва очерклар билан танишиб бораёلمиз. Бундай бунёдкорлик ишларида албатта Хурсанд акага ўхшаган инсонларнинг ҳам ҳиссалари бор.

Хурсанд ака Меликулов меҳнат фаолиятини 1956 йилда Тошкент вилояти Охангарон туманида ўқитувчилардан бошлаган. Тумандаги 10-мактабга тарих ўқитувчиси бўлиб келган ёшгина йигит ўзининг изланувчанлиги билан ўқитувчи ва ўқувчиларнинг меҳр-муҳаббатини қозонади. Илгма ташна бўлган ўқитувчи тез орада Ўзбекистон Фанлар Академияси тарих ва археология институти қошидаги аспирантурага қиради ва уни муваффақиятли тугатиб, 1961 йилда номзодлик диссертациясини ёқлайди, сўнгра 8 йил давомида Тарих ва археология институтида илмий ходим бўлиб ишлади, тарих ва маданият соҳасида илмий изланишларини давом эттиради. Биринчи бор Ўзбек энциклопедиясини нашр қилиш ҳақида қарор қабул қилиниши муносабати билан уни ушбу нашр таҳририятига бўлим бошлиғи вазифасига ишга тақлиф қилишади. Кейин А. Беруний номидаги Политехника институти (ҳозирги Техника университети)да катта ўқитувчи, доцент лавозимида то нафақага чиққунга қадар меҳнат қилади. Ўз вақтида буюк аллома олимлар, академик Яхё Фуломов ва Раҳима Аминовалар назарига тушади, уларнинг ўғитини олади. Ушлаб мақолалар ва илмий ишлар нашр эттиради. Иқтидорли олим ва педагог асосий ишдан ажралмаган ҳолда 42 йилдан ортқ давр мобайнида ўзи туғилиб катта бўлган «Янги шаҳар» маҳалласига оқсоқолик қилиб келди.

У оқсоқолик қилган йилларда маҳалла обод бўлди, эл оғзига тушди. Унинг фаолиги айниқса Ўзбекистон мустақилликка эришган даврда кенг қанот ёйди. Давлатимиз, ҳусусан Президентимизнинг маҳаллаларимизни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини, сиёсатини сидқидилдан қўллаб-қувватлаган ҳолда астойдил меҳнат қилди ва ҳозирги кунда ҳам баҳоли қудрат маҳалланинг фахрий оқсоқоли сифатида бу ишларга ўз хиссасини қўшмоқда. Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан Республика «Маҳалла» жамғармасининг «Маҳалла жонкуяри» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Хурсанд Аликулов ҳамisha ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган, боқувчисиз қолган ёлғиз кексаларга, кўп болали, кам даромадли оилаларга ёрдам бериш, оғирини енгил қилишга ҳаракат қилади. У асосан, ўзининг шахсий маблағидан мунтазам равишда уларга моддий ёрдам кўрсатади. Ўз фарзандлари ва невараларини, бошқа «бели бақувват» маҳаллошларини ҳам савоб ишга бош қўйишга чақиради. Ўтган йили маҳаллада икки оила ҳодонани ёниб кетиб, улар деярли бошлансиз қолган эдилар, уларга биринчи бўлиб ёрдамга Хурсанд ака келди, моддий ёрдам кўрсатди. Мустақиллик кунини, Наврўз ва Ҳайит байрамларида муҳтож оилаларга ишбилармон фарзандлари билан бирга доимо озиқ-овқат ва бошқа нарсалардан хабар доирма бериб туради. Унинг ана шундай савоб ишларидан яна бири Ўзбекистон расмолари асарларини тўплашдир. Ҳозир Хурсанд аканинг шахсий коллекциясида таниқилган ўзбек мўйқалам усталарининг 400 дан ортқ асарлари сақланмоқда. Уларни кенг оммага ва чет эл тасвирий санъат муҳлисларига таништириш мақсадида ўзбек ва инглиз тилларида ўзбек миллий санъати асарларидан тузилган «Ганжиналардан-жавоҳирларга» деб номланган шинам безатилган китоб-альбом чиқарди. Таниқилган санъатшунос оlima, санъатшунослик фанлари номзоди Камола Оқилова ва Хурсанд аканинг коллекцияси ҳақида шундай дейди: «Ушбу коллекция, умуман XX аср Ўзбекистон расмолчилиги, гра-

• ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ

ЯХШИЛИККА ПАЙВАСТА КЎНГИЛ

Яқинда бир маҳалладошим билан хурмату эъзозга лойиқ бир инсон ҳақида суҳбатлашиб қолдим. Суҳбатдошим у киши ҳақида анча илиқ гапларни айтган шундай деб қолди: «Биласизми Анвар ака, мен ҳаётимда кўп одамларни учратганман, кўп маҳалла оқсоқолларини танийман. Аммо уларнинг ичида энг яхши тасассурот қолдиргани маҳалламиз фахрий оқсоқоли, яхшилик қилиш борасида тиниб тинчи-майдиغان инсон Хурсанд ака бўладилар».



фикаси, ҳайкалтарошлиғи ривожининг асосий таомилларини, ҳусусан, унинг тимсолий-мазмуний ва шаклий-нафислик муаммоларини акс эттиради». Етуқ ўзбек муассавирлари Уста Мўмин (А. Николов), У. Тасиқбоев, Н. Қарахан, Б. Жалолов, Ж. Умарбеков, В. Апухтин, Л. Иброҳимов, А. Нур ва бошқа кўплаб таниқил расмоллар асарларидан ташкил топган ушбу коллекция ўзининг ноёблиғи билан ажралиб туради. Хурсанд аканинг бирдан бир орзуси маҳаллада тасвирий санъат галереясини ташкил қилиш ва ўз маҳаллошларини, айниқса ёшларни гўзаллик олами билан таништириб боришдир.

Имомин комиллик, гўзаллик шайдоси ўз орзусига етади. Ҳозирги кунда Хурсанд ака турмуш ўртоғи Саодат опа билан 5 ўғилни қилиб инсон ҳамда ишбилармон қилиб воёга етказиб, 23 набири ва эваралар ардоғида кексалик гаштини сурмоқдалар. Хурсанд ака ҳаётига бағишланган ушбу чиғиларини фан доктори, профессор Тилаб Маҳмудовнинг қуйидаги сўзлари билан яқунламоқчимиз: «Хурсанд акага ўхшаш билимдон, маънавий баркамол, фидойи инсонлар бизга доимо ўрнат ва ибрат бўлгани учун ҳақ керак от изини той босади деганларидек биз ҳам уларнинг изидан илгма, маънавият ва маърифат дунёсига кириб келдик».

Анвар ЁҚУБХЎЈАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими.

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ҲАМ ДОМО БУЛУР...

● Олимлардан бири айтади: — Жасорат ўз-ўзига ишончнинг ташки аломатидир. Жасорат ҳаётда муваффақиятнинг энг буюк омилidir. Жасорат ахлоқчи тозалайди. Ҳаётнинг ҳамма эгрликларига, ҳамма ҳужумларига қарши турганлар, ҳар хил алам, қайғуларга, заҳмат ва машаққатларига жасорат кўрсатиб чидаганлар, ҳаётда роҳат ва фароғат билан яшашга муваффақ бўладилар.

Жасоратсиз, ғайратсиз ва матонатсизлик — вазифасизлик демасдиқ. Вазифани бажаришдан бўйин товлash — кўрқоқликдир. Кўрқоқ кишилар қалб истироҳати билан яшай олмайдилар. Жасорат бизга истиқболимиз учун умид бахш этади. Ҳаётда умид — сабот, ғайрат ва матонатнинг энг буюк манбаидир. Умид жасоратли одамларда бўлади. Ҳеч бир вақт, ҳатто энг оғир кунларимизда ҳам умидсизликка тушмаслигимиз керак. Жамият томонидан бўйнига қўйилган вазифани тўла-тўли бажарайлик, халқ манфати йўлида кўрқоқлик, ялқовлик кўрсатмай, жасорат, ғайрат ва матонат билан ишлайлик.

Байт:

Ким жасорат ҳам матонат йўлига қўйса қадам, Ишлари толгай ривожу, эл қошида муҳтарам.

● Одамнинг ҳусни жамоли фақат унинг кийган либосида эмас, балки одоб, ахлоқ ва камолидир.

● Молу дунёнинг, мансабинг билан фахрланма, ҳунаринг, элму камолинг билан фахрлан.

● Ҳар бир ишнинг бахт-саодати фақат унинг орзу-таъмаларига боғлиқдир. Энг таъмакор одам — бахт-саодати энг оз бўлган одамдир.

● Бир ишга киришмасдан аввал унинг оқибатини яхшилаб ўйла, муқаддималардан аввал натижаларга кўз ташла, фойдани ўйлаганинг каби зиённи ҳам ўйла, маъносиз умидларга сира алданма, ўзингни бошқаларга қиёс қилиб янглишма, чунки қиёс сенинг қарашингда тўри бўлса воқеада янглиш бўла олади.

ХИКОЯТ. Анушервоннинг қошига Румдан бир элчи келди. Анушервон Бузуржмехрнинг донишмандлигини элчига билдириб, шундай донишманд вазирага эга бўлгани билан фахрланмоқчи бўлди. Элчи қошида Бузуржмехрга:

— Эй донишманд вазим, оламда нима бор бўлса, ҳаммасини биласан, шундай эмасми? — деган эди. Бузуржмехр: «Билмайман», деб жавоб берди. Анушервон элчи қошида кўп ҳижолат чекди. Бузуржмехрдан яна сўради:

— Агар сендек олим, донишманд билмаса оламдаги ҳамма нарсани ким билади?

Бузуржмехр жавоб берди:

— Ҳамма нарсани биладиган киши шу вақтгача онадан туғилмаган, нодон, жоҳил кишиларга «Мен ҳамма нарсани билман, ҳамма илм-фандан яхши хабардорман», деб даъво қиладилар.

Байт:

Кимки бўлса аввали беихтиёр, На ҳаётини танир, на ул мамот.

ҲИНДИСТОН ИНСТИТУТИДА ТАДБИР

Ўзбекистон Мустақиллигининг 12 йиллик байрами тадбирлари доирасида Дехлидаги Молия институтида «Ҳиндистон — Ўзбекистон иқтисодий алоқалари» мавзуга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Ушбу тадбир мазкур институти ҳамда мамлакатимизнинг Дехлидаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда олий ўқув юрти талабалари, профессор-ўқитувчилар, Марказий Осиё мамлакатлари бўйича мутахассис ва тадқиқотчилар ҳамда дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Институти ректори профессор Ж.Агарвал тадбирни очар экан, ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги ўзаро дўстона муносабатлар кўлами тобора кенгайиб бораётганини қайд этар экан, ўзбек халқининг яқинлашиб келаётган култув тўйи — мамлакат мустақиллигининг 12 йиллик байрами билан табриклади.

У мазкур институтининг Ўзбекистондаги олий ўқув юртлири ва таълим равнақига қўмаклашувчи жамғармалар билан ўзаро алоқалари мавзусига тўхталиб, Ҳиндистон Молия институти ва Тошкент Давлат аграр университети ўртасида олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик муносабатлари яхши йўлга қўйилганини айтди. Тошкентда Ўзбекистон-Ҳиндистон халқаро бизнес мактабини очиш, талаба ва профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро алмашиш тўғрисида ҳужжатлар имзолангани бунинг ёрқин далилидир, деди у.

А.Агарвал ўз маърузасида мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг 2003 йил олти ойи кўрсаткичларига мурожаат этиб, ярим йилликда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг 3,8 фоизга, шу жумладан, саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 5,5, истеъмол моллари — 4 фоизга, қишлоқ, ҳўжалик маҳсулотлари — 3,8 фоиз, инвестициялар ҳажми эса 2,6 фоизга кўпайганини алоҳида таъкидлади.

Лекин, бу ҳамма ишларимиз жойида, кўнгиладигидек кетяпти дегани эмас. Ҳали қилинадиган ишлар, режалар қанча. Эйтибор бериб кузатсак, наслимиз давомчиларининг жисмонан соғлом, бақувват бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамиятга эга бўлган бола-лар спортини ривожлантиришга ҳамма бирдек ҳисса қўйишга ҳаракат қилмаётганини, болажонларимизнинг спорт билан шугулланишлари учун етарли шарт-шароит яратиб беришга интилмаётганини кўраемиз. Бу борада 4 июнь кўни Оксаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида айтиб ўтилган фикрлар қилинаётган ишларга муносиб баҳо бўлди, десак янглишмаймиз. «Албатта, ўтган вақт мобайнида жойларда бу йўналишда бирмунча ишлар қилинганини айтиб ўтиш лозим. Лекин, биз ўз олдимизга қўйган юксак талаблар нуктаи назаридан мавжуд вазиятга баҳо берадиган бўлсак, афсуски, ишларнинг аҳволи кониқарсиз эканини кўраемиз», — деди жумладан йиғилишда ўртбошимиз.

Тахририятимизга ҳам ушбу мавзу юзасидан келаётган мактубларда эртаминг учун қайғураётган, келажақ пойдеворининг мустаҳкам бўлиши учун озми-кўпми ўз ҳиссасини қўйишга интилаётган ҳамшаҳарларимиз куюнчақлик билан ўзларини қийнаётган муаммолар, ютуқ ва камчиликлар ҳақида фикр билдирмоқдалар, жойларга чиқиб ахволни ўрганишга чақирмоқдалар. Ана шундай мактублардан бири, Шайхонтоҳур тумани «Бўстон» маҳалласидаги 1, 2-уйлар бошқарувчиси, меҳнат фахрийси, Райимжон Розметовдан келган. Биз 40 йилдан ортиқ халқ ҳўжалигининг турли жабҳаларида меҳнат қилган отахоннинг мактубларини айнан келтиришни лозим топдик:

«Ассалому алайкум, ҳурматли «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари тахририяти ходимлари!

Мен ўзимиз истиқомат қиладиган «Бўстон» маҳалласидаги бўш ётган ерни фарзандларимиз учун спорт майдончасига айлантириш ҳақидаги таклифни айтиб бормаган ерим қолмагани, лекин бирон яхши натижага эриша олмаганини ҳақида ёзмакдаман.

Гап шундаки, бундан 5-6 йил олдин Республика онкология институти ҳудудида 9 та кўп қаватли уйлар қурилган эди. Лойиҳа бўйича яна 140 ўринга мўлжалланган болалар боғчаси ва тад-

бирлар ўтказиладиган (тўйлар, маросимлар ва маъракалар) айвон қурилиши лозим эди. Лекин у нима сабабдан қурилмай қолиб кетди.

Маҳалла аҳли жуда муҳтож бўлган бу объектлар ўрни 5-6 йил мобайнида ахлатхонага айланди, кўп қаватли уйда яшовчи мулкдорларнинг гаражи қурилди. Ўтган йили эса, дабдабали енгил машиналарни ювадиган «KARCHER» кичик корхонаси ишга тушди.

2002 йилнинг охирида «Тошкент шаҳрини қуриб обод қилиш ва қайта тиклаш институти»да бўлганимизда болалар боғчаси ва тадбирлар ўтказиладиган айвон ўрнини 3 та кўп қаватли уйлар ва енгил автомобиллар сақланадиган майдон қурилишини маълум қилдилар.

• МАКТУБ ЙЎЛГА ЧОРЛАДИ

«БИЗГА ЁРДАМ БЕРИНГ, РАИС БУВА!»

Келажақ бугундан бошланади, демас эртанимиз давомчилари учун қилинаётган ҳар бир ишимиз келажагимиз учун қўйган ҳиссамиз бўлиб ҳисобланади. Мустақил мамлакатимизда бугунги кунда униб-ўсиб келаётган ишларнинг ҳар томонлама камол топишлари, жисмонан соғлом, маънан етуқ бўлиб вояга етишлари йўлида кенг қўламади самарали ишлар олиб борилмоқда.



Лекин, қизиқ ҳол. Фақат бизнинг Ҳувайдо 1-тор кўчадаги 1-, 2-уйлар олдида ўлчами 7м х 15 метрлик мустабид тузум давридаги каби кичик болалар майдончасигина мавжуд. Шу жойнинг ўзида мингдан ортиқ боланинг спорт билан шугулланиши учун ҳеч қандай шарт-шароит бўлмаган ҳолда яна кўп қаватли уйнинг лойиҳалаштирилиши тўғримики?

Маҳалламиз болалари «Бўстон» маҳалласи фукарлар йиғини раиси Абдусалом Отаматов ва бизга спорт майдончаси қуриб беришимизни сўраб кўп марта лаб мурожаат қилмоқдалар.

Илтимо, ушбу мактубим газетангиз саҳифаларида чоп этилса, мутасадди ташкилотлар фарзандларимиз арзига қулоқ тутиб, савоб ишга бош қўшсалар». Дарҳақиқат, фақат «Ўзуйжойжамгар-

— Ўзбекистон жаҳон халқлари тараққиётига улкан ҳисса қўшган табаррук замин эканлигини Ҳиндистон халқи жуда яхши билади, — деди тадқиқотчи Рам Упендра Дас. — У замин Ҳиндистон тарихида ёрқин, ўчмас из қолдирган буюк шох ва шоир Бобурнинг ҳам ватанидир. Бугунги кунда Марказий Осиё минтақасидаги барқарор ривожланаётган Ўзбекистон билан иқтисодий муносабатларимиз кўламининг вақт ўтган сари кенгайиб бораётгани, шубҳасиз, қувончли ҳолдир. Бундай алоқалар келажақда янада ривож топишига сираям шубҳа йўқ, чунки ҳар икки мамлакат улкан иқтисодий салоҳият ва имкониятларга эгадир.

Тадбир ниҳоясида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарининг ҳинд тилида чоп этилган нусхаси, Дехлида урду тилида нашр этилган ўзбек шоирларининг шеърлар тўплами, Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги кун ҳақидаги адабийётлар ҳамда турли журналлар тўплами элчихона томонидан мазкур олий ўқув юрти кутубхонасига тақдим этилди.

Шухрат УМИРОВ

«Жаҳон» АА,
Дехли.

мабанк» буортмаси билан қурилган 28 та кўп қаватли уйларда, қўшни маҳаллаларда, «Бўстон», «Ўзбекистон» (Шайхонтоҳур тумани) ва Мирза Фолиб (Собир Раҳимов тумани) маҳаллаларидаги болалар сонининг 4.000 дан ортиб кетгани, лекин уларнинг спорт билан шугулланишлари учун спорт майдончасининг йўқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг талаби қанчалик тўри эканлигини тушуниб етамиз.

Ушбу мактуб боис биз «Бўстон» маҳалласи, Ҳувайдо 1-тор кўчаси, 1-, 2-уйларда бўлиб, маҳалла аҳли ва болажонлар билан суҳбатлашдик.

Ўзларини Фатхулла Мирзаев, Маҳмуд Курбонов, Карим Жуманиёзов, Шукрулла Жўраев деб таништирган, шу уйларда яшовчи ота-оналар фарзандларининг спорт билан шугулланишлари учун шароит йўқлиги ҳақида қуюниб гапирдилар.

Болалар спорт майдончаси бунёд этиладиган бўлса ҳомийлар ёрдамидан фойдаланишлари, агар гаражлар зарур бўлса ери ости гаражини қуриш мумкинлиги (ахир тараққиёт этган давлатларда ҳам гаражлар фақат ери остида жойлашган) ҳақидаги фикрларини ҳам билдирдилар.

Биз катталарнинг гапларига қулоқ тутиб, бир жойга йиғилиб турган болажонлар ёнига борганимизда эса улар бор дардларини тўкиб солдилар. Ўн ёшдан ўн олти ёшгача бўлган Жаъфар Самиев, Ҳумоюн Разақов, Алишер Мамадалиев, Сарвар Умаров каби болалар спортнинг футбол, баскетбол, волейбол турлари билан шугулланиши жуда хоҳлашларини, шу атрафдаги маҳаллалар болажонларининг соғлом бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамиятга эга бўлган спорт майдончаси қурилишида ёрдам кўрсатишимизни сўрадилар.

Биз ҳам «Бўстон» маҳалласидан қайтар эканмиз, уларнинг умид-ишончларини тушундик. Зеро, Обод маҳалла йили деб эълон қилинган ўшбу йилда қанчанча-қанча хайри йомшлар амалга оширилмоқда. Шулар қаторида қуюнчак, айни дамда юртимизнинг эртасини ўйлаб савобли ишга бел боғлаган инсонларнинг жуда ўринли таклифи ва истақлари мутасадди ташкилот раҳбарлари томонидан ўрганиб чиқилди ва ўзининг ижобий ечимини топади деб ўйлаймиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТДА: «Бўстон» маҳалласи ҳудудидаги қаровсиз ернинг қўриниши.

Спорт

Бангладешда тўп сурмоқда

Бир вақтлар Бангладешнинг «Мохабладен» клубида тўп сурган ўзбек футболнинг ёрқин юлдузларидан бири Азамат Абдураимовнинг изини «Анджон» жамоаси футболчиси Фарид Хабибулин босадиган кўринадди. Чунки жорий йилги мавсумнинг биринчи давраси якунлишини билан Фарид Бангладешга йўл олди. Ҳозирда у «Мохабладен» клуби мураббийлари кўригидан ўтмоқда. Дарвоқе яна бир футболчи Даврон Тўрабовнинг ҳам нияти «Мохабладен» клуби сафида ўйнаш.

Ўйинда ҳисоб очилмади

Пойтахтимизнинг «Локомотив» командаси ҳамда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари ўзаро куч синашишди. Шуниси қизиқиш, тенг курашлар остида ўтган учрашувда дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди. Бир вақтлар терма жамоа сафида маҳорат билан тўп сурган ҳужумчи Олег Шацких «Локомотив» таркибиде майдонга тушди.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

Каратэчилар беллашди

Пойтахтимиздаги «ЖАР» спорт мажмуида шотокан каратэ-до бўйича 1-Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизнинг саккиз вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан 400 дан ошқ каратэчилар иштирок эттишди.

Турнир давомида 46 та олтин, 46 та кумуш ва 92 та бронза медаллари учун баҳс олиб борилди. Жамоа баҳсларида тошкентлик спортчилар ғолиб бўлишди.

18 ёшлилар ўртасида 70 килограмм вазнда қорақалпоғистонлик Рустам Қозоқов, 65 килограмм вазнда Хусниддин Сапиевлар чиройли жанглири билан ишқибозларни хушнуд этган ҳолда ғолибликни қўлга киритдилар.

Жаҳон кубоги соҳибаси Регина Ниязова эса 13-14 ёшли, 35 килограммдан ортиқ вазндаги қизлар орасида муваффақиятли иштирок этиб олтин медалга сазовор бўлди.

Орзугул РУСТАМОВА

Ғолиблар билан учрашув

Маълумки, яқинда Грециянинг Халкида курорт шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган 12-Жаҳон кубоги мусобақаларида Ватанимиз каратэчилари муваффақиятли иштирок эттишди. 30 давлатдан 700 иштирокчи қатнашган ушбу мусобақаларда юртдошларимиз 4 та олтин ва кўплаб кумуш ва бронза медалларнинг соҳиблари бўлишди.

Яқинда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида ушбу мусобақалар якунига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида ғолиблар ҳам қатнашиб, ўз таассуротлари билан ўртоқлашди.

Анжуманда яқка баҳсларда мутлақ ғолиб бўлган Нодир Хўжаев, Достон Турғунов, Ферузбек Тўраев, Жавлон Маҳмудовларнинг номлари алоҳида тилга олинди.

— Мен ушбу мусобақада учинчи марта иштирок этдим. Илгарги турнирларда 3-ўринни қўлга киритган эдим. Бу йил Жаҳон кубогининг соҳиб

бўлдим, — дейди ғолиб Нодир Хўжаев.

— Ушбу турнир менга катта тажриба мактаби бўлди. Грецияда тенгдошларимнинг каратэдаги янги техникаларини кунт билан ўргандим. Ватанимга ёрғуз билан қайтиб келиш менга насиб этди, — дейди ўз сўзида олтин медал соҳиб Жавлон Маҳмудов. — Келажакда ҳам шу каби юқори натижаларни қўлга киритишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон каратэ миллий федерациясининг бугунги кундаги фаолияти ҳақида ҳам сўз бўлди, хусусан унинг бир йўналиши

шотокан каратэ-до бўйича ҳам маълумотлар берилди.

— Спорт соҳасида қандай янги федерация тузилган бўлса, уларнинг барчасидан асосий мақсад аҳолини соғломлаштириш, ёшларни жисмонан бақармоқ қилиб тарбиялашдир, — деди Ўзбекистон каратэ миллий Федерацияси президенти Нурхон Нафасов. — Юртимизда айни пайтда 60 000 дан ортиқ киши каратэ билан шугулланади. Бу ҳам юртдошларимизнинг спортга иштиёқларидан далолатдир. Каратэнинг республикаимиз шаҳар ва вилоятлари ўртасидаги Тошкент шаҳри, Андижон вилояти, Қашқадарь Бухоро вилоятлари каратэчилари энг кучлилар қаторига киради. Ўйлайманки, келгусида албатта спортнинг ушбу тури бўйича Ватанимиз ўғлонлари бунданда яхши натижаларга эришадилар.

(Ўз мухбиримиз)

ШАХМАТ ОЛАМИДА

XIX аср ўрталарида жаҳонга машҳур шахматчи Пол Морфи бир вақтнинг ўзида саккизта шахмат тахтасида ғойибона сеанс бера олган. Шундай сеанслардан бири 1858 йили Париждаги машҳур «Режанс» қаҳвахонасида ўтказилиб, сеанс ўн соатдан кўпроқ давом этган. Пол Морфи ҳамма рақиблари устидан ғалаба қозонган.

Биринчи рус жаҳон чемпиони, шахмат даҳиси Александр Алёхин шахмат доналари ва улар жойлаштирилган хоналарни кўрмай 32 тахтада бир йўла ўйнай олган. Алёхиннинг бир галдаги рақиблари немис полковник, генералларидан иборат бўлди. Бу тарихий беллашув 1933 йили Чикагодаги жаҳон кўргазмасида ўтказилди. Сеанс 12 соат давом этиб, Алёхин 19 та тахтада ютган, 9 та учрашувни бой берган.

1937 йили польшалик шахмат устаси В. Колтановский Эдинбург шаҳрида бир йўла 34 тахтада сеанс бериб, шундан 24 тасини ютиб, 10 тасини дуранг билан якунлаган.

Аргентиналик машҳур шахматчи Микел Найдорф Сан-Паулу шаҳрида 45 тахтада сеанс берган. Бу хабар бутун дунёга овоза бўлди. Найдорф бу ўйинларнинг 39 тасини ютиб, 4 тасини дуранг қилган ва 2 тасида ютказган эди.

Венгриялик уста шахматчи Мнош Орлеш Будапешта бирварақайига 52 тахтада сеанс бериб, Найдорф рекордидан ҳам ўзиб кетди. У ўшанда 31 ўйинни ютиб, 18 тасини дуранг қилди ва фақат 3 тасини бой берган.


Голландия шаҳарларидан биридаги тарих музейига кирган кўпчиликни кўйидаги ибратли сўзлар ўзига ром этади: Узоқроқ яшашни хоҳласанг биринчи галда:

1. Хар куни ҳеч бўлмаса икки соат мусиқа тингла.
2. Ҳафтада бир-икки марта бўлса ҳам шахмат ўйнаб тур, балиқ овини эсдан чиқарма.

Анвар ИНОКОВ,
шахмат шарҳловчиси.

МАҲОРАТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Оқлар бошлаб ўйинчи юришда қораларни мот қилади.



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

2003 йил 1 августдан электр энергияси учун янги тариф ўрнатилди, аҳоли томонидан маиший эҳтиёжлар учун сарф қилинган ҳар бир кВт/соат электр энергиясининг нархи 14 сўм 30 тийин, ошхонаси электр плиталари билан жиҳозланган уйлар учун эса 7 сўм 15 тийин белгиланди.

Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси ОАЖ.

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси Тошканбой Эгамбердиев

номли Тошкент давлат цирки
ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

2003 йил
23 августдан

**23 АВГУСТДАН
КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМНИНГ
ОЧИЛИШИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
12 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЯНГИ БАЙРАМ ДАСТУРИ**

Цирк санъатининг барча жанрлари артистлари ва уларнинг «турт оёқли» дўстлари иштирок этади.

Томошалар жума кунлари соат 18.00 да; шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 ва 18.00 да бошланади.

Чипталар цирк кассалари ва туман кассирлари томонидан сотиладди.

Хар хил шаклда ҳақ тўлашни мумкин.

**Маълумотлар учун телефонлар:
144-29-04, 144-32-23, 144-35-91.**

• АЖОЙИБОТЛАР

Сўз ўрнига чироқ

Бразилияда қар ва соқовлар учун телефонлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундан телефонларни яратишда ихтирочилар Морзе алифбосидан фойдаланишди. Хар бир абонент учун ўрнатиладиган блокка турли рангдаги учта лампочка жойлаштирилган бўлиб, телефон орқали сўзлашаётган пайтда лампочкаларнинг бири сўхтаб тамом бўлгунча ёниб туради. Қолган лампочкалар эса Морзе алифбосининг нукта ва тереларига мувофиқ равишда «милт-милт-лаб» ёниб, ўчиб туради.

Бу янги телефон аппаратиға бюртмалар жуда кўп тушмоқда. Ҳатто уни яратилган ихтирочилар ҳам бундай натижани кутмаган эдилар.

Айтсангиз бас...

Американин «Белл» корпорацияси ўз харидорларига янги телефонларни тавсия этдилар. Корпорацияда яратилган телефонда рақам терилмайди, унга озгаки буйрқ берсангиз бас... Агар сиз «полиция» ёки «тез ёрдам» сўзини овоз чиқариб айтсангиз, телефоннинг ўзи керакли рақамни бир зумда теради. Унинг хотирасига энг керакли 36 атама жойлаштирилган. Улар киши ҳаётида доимо керак бўладиган ташқлот ёки шахсларнинг номлари бўлиши мумкин, бу нарсани мижознинг ўзи танлайди.

Чўнтакка сизади

Венгрия почтаси чўнтакка сизадиган митти телефон ишлаб чиқаришни режалаштирди. Катталиги оддий чакмоқсўшдай бўлган ультра киска тўлқинли радиоприёмник марказий диспетчерлик пункти ёрдамида жорий қилинган. Бу янги техника хоҳлаган жой билан боғланиш имкони беради.



**Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибкоб, офсет
узунда босилади.
4204 нускада босилади. Қўғоз бичими А-3

**Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.**
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат
матбуот қўмитасида
10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашриг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлималярига ёки «Тошкент почтамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишиниз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.